

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
Хоразм вилояти мактабгача таълим  
бошқармаси бошлиғи  
  
И.Якубова  
2022 йил

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари  
  
Б.Курбанов  
2022 йил

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
Хоразм вилояти қурилиш бош  
бошқармаси бошлиғи  
  
Б.Каримов  
2022 йил

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
Хоразм вилояти ҳокимлигининг  
“ЯБХ” ИК директори  
  
Ш.Отаев  
2022 йил

### ЛОЙИХАЛАШ ТОПШИРИҒИ

Боғот тумани "Тозабозор" МФЙдаги 8-сон МТТни  
реконструкция қилиш 90 ўрин

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар маъмуни
1	2	3
1	Объект номи	Боғот тумани "Тозабозор" МФЙдаги 8-сон МТТни реконструкция қилиш 90 ўрин
2	Объектни манзили	Хоразм вилояти Боғот тумани "Тозабозор" МФЙ
3	Лойиҳалаш учун асос	1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-172-сонли қарори. 2. Хоразм вилояти Боғот тумани хокимининг қарори 4. Хоразм вилояти Қурилиш бош бошқармасининг АРТ-I-II-қисм ҳужжатлари
4	Буюртмачи	Хоразм вилояти хокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси
5	Бош лойиҳачи	Харид тартиб тамоиллари асосида аниқланади
6	Бош пудратчи қурилиш ташкилоти	Харид тартиб тамоиллари асосида аниқланади
7	Қурилишни бошланиши ва якунланишининг муддати.	2022 йилда бошланади. 2022 йилда тугалланади.
8	Лойиҳалаштириш босқичи	Бир босқичли лойиҳалаштириш
9	Қурилиш тури	Реконструкция қилиш
10	Молиялаштириш манбаи	Маҳаллий бюджет ва унинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.
11	Объектнинг йўналиши ва асосий кўрсаткичлари (умумий майдони, ҳажми, ўлчамлари ва бошқалар)	Зилзила райони -7 балл Зилзилабардошлик -8 балл Тупроғи - чўкмайдиган Тупрокни музлаш чуқурлиги -0,7 м Шамол босими -38 кгс/м <sup>2</sup> Қор қатлами оғирлиги -50 кг/м <sup>2</sup> , ҳамда муҳандислик изланишлари натижалари асосида Қурилиш майдони
12	Объектнинг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари, қуввати, унумдорлиги, ишлаб чиқариш дастури, шунингдек турар-жой бинолар, уларнинг вазифалар (қаватлар сони, секциялар ва хоналар сони, қабул қилиш ва сизим қобилияти)	90-ўринли мактабгача таълим ташкилоти лойиҳасини ишлаб чиқиш
13	Архитектура-қурилиш, ҳажмли режалаштириш ва конструкцияли қарорларга, блокировкалаш шартлари, биноларни пардозлаш учун талаблар	Мактабгача таълим ташкилоти ҳудудда қуйидаги функционал майдончаларни жойлаштириш зарур: - гуруҳ бинолари; - жисмоний тарбия майдончалари; - хўжалик ишлари майдони; - ташқи болалар айвончаси; Мактабгача таълим ташкилотини жойлаштириш ва лойиҳалаштириш ишларида қуйидаги меъёрий ҳужжатлардан фойдаланиш талаб этилади: ШНҚ 2.07.01.-03* "Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантириш ва ривожлантиришни режалаштириш" ҳамда СанПИН ва ИКН 03-19 Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги "Мактабгача таълим ташкилотлари". Ўйин хоналари, гуруҳлар ва ётоқ хоналари учун хоналарда табиий ёки бурчакли шамоллатиш таъминланиши керак. Ричагли фрамугалар (деразанинг 50% дан кўп бўлмаган) ва шамоллатгичлар ҳар бир хонада бўлиши ва барча фаслларда ишлатилиши керак. Бўёк билан пардозлаш ишларида факат очиқ ранглардан фойдаланиш лозим. Ошхона қисмлари, кир ювиш хонаси, буфет ва ювиш хоналарининг деворлари, дазмол хонаси 1,8 м баландликда болаларнинг соғлиги учун зарарсиз бўлган сирланган плитка ёки шунга ўхшаш материаллар билан қопланиши керак; ювиш ва зарарсизлантириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ховуз ҳаммомлари, душ хоналари ва залларнинг деворлари нам ишлов бериш учун қулай бўлиши лозим. Гуруҳларнинг ювиниш хоналари деворлари 1,5 м баландликда қопланиши керак.

14	Ободонлаштириш ва кичик меъморий шакллارга қўйиладиган талаблар.	<p>Лойихалаштиришда қўйидагиларни кўзда тутиш лозим:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- кириш ва ички бетон йўллар;</li> <li>- пиддалар йўлакчалари - бетон копламали;</li> <li>- ўйин майдончалари, ўт копламаларидан ташқари, зичланган тупрок асосида болаларнинг соғлиги учун зарарсиз бўлган замонавий синтетик материаллар (синтетик газон) билан копланиши керак. Ўйин майдончаларидаги иншоотларнинг қопламаси сувга чидамли ва осон тозаланадиган материаллардан лойихалансин;</li> <li>Чўмилиш бассейналари 20-25 м<sup>2</sup> катталиқдаги ва чуқурлиги ўзгарувчан 0,1-0,5м чуқурлиқдаги эркин шаклда бўлиши лозим;</li> <li>- Ташки болалар айвончаси ўриндиқлари билан таъминлаб лойихалаш.</li> </ul>
15	Конструктив ечимларга, асосий ва тўсувчи конструкциялар материалларига қўйиладиган асосий талаблар.	<p>Бажариладиган ишлар қизил чизикдан чиқмаган ҳолда бажарилади.</p> <p>Технология лойихаларини - фойдаланувчи ташкилот билан келишиш, Турли хил канфигурациялар ёрдамида бинолар таркибини Боғот тумани санитария–эпидемиологик осойишталик марказининг ва Боғот тумани фавқулодда вазиятлар бўлимининг гигиеник ҳамда техник шартларига асосан лойихалаштириш.</p> <p>Лойиха ечими Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси ҳамда бошқа меъерий ҳужжатлар (ҚМҚ, ШНҚ, техник шарт) асосида қабул қилинади.</p> <p>Яширин ҳолда бажариладиган қурилиш таъмирлаш ишларини барча лойихаларда алоҳида узеллар билан кўрсатиш;</p> <p>Зилзилабардошлиқни ошириш мақсадида қўлланиладиган узеллар барча лойихада алоҳида кўрсатилсин;</p> <p><b>Қўйидагилар назарда тутилсин:</b></p> <p><b>Пойдевори-</b> куйма темир бетондан бажарилсин. Пойдевор намликдан химоя қатлами емирилишини назарда тутиб, ташки ва ички ён юзалари намликдан химояловчи материаллардан фойдаланиб, шамоллатиш туйиқчалари (продухлар) лойихалансин;</p> <p><b>Деворлар</b> – Пишиқ ва силикат гиштлардан. Ташки деворларнинг қалинлиги иссиқлик муҳандислик ҳисоб-китоблари асосида (ҚМҚ 02.01.04-2018 талаблари бўйича. Ташки юк кўтарадиган деворлар 380мм (Энергия тежамкор материаллардан фойдаланиш, самарадорлиги бўйича техник ечимлар талаб этилиши ва пардозбоп материалларини қўллаш масалалари, шу жумладан ташки деворларни иссиқлик изоляцияси материаллари билан қоплаш) ички юк кўтарадиган ва ўз юқини кўтарадиганлари асосий деворлар 380мм, ички ора-ажратма парда деворлари 120ммли, зилзилабардошлиқ талаблари бажарилиб лойихалансин ;</p> <p><b>Асосий кириш эшиги</b> - айвонли зиналар устки қисми сирпанмайдиган мрамор, асосий кириш қисмига алюмин профиллардан тамбур, ногиронлар ва ҳаракатланиши чекланган шахсларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда пандус қилинсин. Пол-сирпанмайдиган брусчатка, перила – анодированный металлдан лойихалансин;</p> <p><b>Поллар</b> – зал ва гуруҳ ётоқхоналарида кам нам ўтказувчан копламаларга эга бўлган материаллардан фойдаланиб, ҚМҚ 2.03.13-19 талабларига асосан амалга ошириш керак.</p> <p>-Ошхона, душ ва санузеллар, сирпанмайдиган кафел плиталаридан фойдаланиш зарур.</p> <p><b>Том қисми</b> - ҚМҚ талаблари бажарилиб, иссиқ-совуқдан химояловчи воситалардан, том парапет деворларида меъёр талабларига асосан чердакли том копламали остини шамоллатиш учун талаб қилинадиган ўлчамдаги проёмлар бажарилиб, шамоллатиш туйиқчалари (продухлари) ўрнатилиб, ёғоч каркас ва бўялган металл коплама энг кам қалинлиги 0,5мм дан кам бўлмаган ҳолда ҚМҚ 2.03.10-19 талаблари асосида лойихалансин;</p> <p>Ёмғир сув қувури (водосток) - ташки ташкил этилган ёмғир сув лотоклари ва сув қувури полимер копламали рухланган металл қувурдан. Ёмғир сув қувурларини девор отмостваси остидан лойихалансин.</p> <p><b>Парапет</b>(карниз)-туника билан қоплаб лойихалансин;</p> <p><b>Деразалар</b> - подоконниклари билан икки камера ойнали пластикдан, ўлчамлари 1,8x1,5м, 1,8x1,2м, шамоллатиш тизими учун деразалар очгичлари мураккаб механизмли ёки форточкали,</p> <p>-ташки дераза тоқчалари рухланган тунукадан.</p> <p><b>-Эшиклар</b> – ички эшиклар МДФдан ишланиши лозим.</p> <p>Ташки эшиклар иссиқ-совуқдан химояловчи материаллардан фойдаланиб лойихалансин;</p> <p><b>-Ички пардозлаш</b> –хоналарни, коридорларни деворларини пардозлашда оҳақ-қум аралашмалари сувоқ устидан шпаклёвка билан текисланиб сувли бўёқ билан бўёш (рангли бўёқлардан, акрил бўёқлардан фойдаланиб, замонавий дизайн</p>

		<p>услугларини тадбиқ қилиб ҳар хил фигуралардан шакллардан фойдаланилиб, безатиб лойихалансин.</p> <p><b>Шифтлар</b> – шпаклёвка билан текисланиб, сўнгра сувли бўёқ билан бўяш.</p> <p><b>-Ташқи пардозлаш.</b> – Сифатли материаллар билан замонавий услубда ва дизайнда ишлаб чиқиш:</p> <p>-девор юзаси цемент-қум аралашмали сувоқ устидан “Травертин”, замонавий дизайн услубларига мос бўёқлардан, фигуралардан, шакллардан фойдаланиб, фасадни архитектуравий безаш ;</p> <p><b>Цокол</b> – керамик плиталар коплаб лойихалансин;</p>
16	<p>Мухандислик ва технологик жиҳозларга қўйиладиган асосий талаблар, технологик ускуналар рўйхати ва етказиб берувчининг номи.</p>	<p><b>Сув таъминоти ва канализация тизими.</b></p> <p>Мактабгача таълим ташкилоти ҳудуди ва асосий биноси шаҳар ва кишлоқ пунктларини режалаштириш ва ривожлантириш бўйича гигиена талабларига ва КМК 2.04.01-98 “Бинологиянинг ички сув таъминоти ва канализацияси”, КМК 2.04.02-97 талабларига мувофиқ ичимлик, ўт ўчириш ва иссиқ сув таъминоти, оқова сув тизими билан таъминланиши шарт.</p> <p><b>Ички совуқ сув ва иссиқ сув</b> - ПВХ қувурлар назарда тутилиб лойихалаш. Ичимлик суви таъминотининг магистрал қувурларини шахталарда ётқизиш керак. Совуқ сув, иссиқ сув истеъмолчиларига қувур линиялари ва чиқиш жойларини ётқизиш девор остида (каналларда) яширинган ҳолда амалга оширилиши керак. “Аристон” кўзда тутиш, Қувур ичидаги сувнинг совуқлигини олдини олиш учун қувурларни иссиқлик изоляциясини таъминлаш. Кириш жойида совуқ сув истеъмоли ҳисоблагичини инobatга олиш керак. Сув сифати амалдаги O`zDSt 950-2011 ичимлик суви стандартларига мувофиқ санитария талабларига жавоб бериши керак.</p> <p>Совуқ ва иссиқ сув таъминоти тизимлари билан ошхона, ювиниш, болалар ва ходимлар учун хожатхоналар, кир ювиш хоналари, тиббиёт хоналари, қўл ювгичлар, хўжалик эхтиёжлари учун жиҳозланиши лозим.</p> <p><b>- Ички оқова сув тизими</b></p> <p>Ички оқова сув тармоқлари юқори қувват ва гигиеник хусусиятларга эга бўлган ПВХ қувурлардан тайёрланиши керак. Оқова сув қувурларини шахталарга ётқизиш. Оқова сув чиқадиган жойни ташқи оқова сув тармоғига, марказий оқова сув тизимларига улаш. Тиқилиб қолиш мумкин бўлган жойларда оқова сув қувурларини қайта кўриб чиқиш ва тозалаш имкониятини таъминлаш.</p> <p>Барча қувурлар ёпиқ ҳолатда бўлсин ёпиқ ҳолатда химояланган ҳолда бажарилсин ;</p> <p>Мавсумий ёғингарчилик сувларини мавжуд оқова сувлар тизимига йўналтириш ҳамда темир бетон лотоклари орқали чиқарилишини таъминлаш. КМК 2.04.02-97</p> <p><b>-Иссиқлик таъминоти, иситиш ва шамоллатиш тизими.</b></p> <p>Замонавий талабларга асосланган автоматлаштирилган табиий газда ва каттик ёнилғида ишлайдиган, техник ходимларнинг доимий иштирокисиз ишлашга мўлжалланган ҳамда бир-биридан алоҳида ишлайдиган қозонлар орқали иссиқлик таъминоти билан таъминлаб лойихалаш.</p> <p>Мактабгача таълим ташкилоти хоналарига ўрнатилган иситиш мосламаларининг ташқи ҳарорати 70°C дан ошмаслиги инobatга олиниб лойихалаш.</p> <p>Хоналарнинг нисбий намлиги, иситиш тизимини лойихалаш ҳарорати ва бинога ҳаво алмашинуви орқалиги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ қабул қилиниши керак.</p> <p>Бино ва хоналарни иситиш ва шамоллатиш тизими КМК 2.04.05-91 “Иситиш, шамоллатиш ва ҳавони тозалаш” меъёрий ҳужжатига мувофиқ ишлаб чиқилиши керак.</p> <p>Иситиш тизимини лойихалашда замонавий биометаллик радиаторлар ва сертификатланган пластик қувурлардан фойдаланиб лойихалаш.</p> <p>Гуруҳ хоналарида ҳаво совутиш ва тозалаш (кондиционирование) тизимини кўзда тутиб лойихалаш.</p> <p><b>-Электр таъминоти тизими.</b></p> <p>Электр тармоқларига улашни нуқтасини аниқлаш. Бинонинг электр ёритиш тизимини лойихалаштиришда ҚМК2.01.05-98 ва ҚМК2.04.17-98 шунингдек электр иншоотларининг амалдаги қоидаларига (PUE) мувофиқ 3 тармоқли мис симдан фойдаланган ҳолда лойихалаштириш, фавқулотда ёритишни таъминлаш. Заземления ва зануленияни кўзда тутиш. Электр энергиясини ҳисобга олиш учун электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишининг</p>

		<p>автоматлаштирилган тизимини (ASKUE) кўзда тутиш.</p> <p>“Интернет” тармоқларига улаш Вайфай (Wi-Fi) тизимини ўрнатишни инobatга олиб лойихалаш.</p> <p>Ёнгинга қарши оғохлантириш тизими (ОПС) ўрнатиш ва ўт ўчириш мосламалари билан таъминлаш.</p> <p>-ёнгин пайтида оғохлантириш ва одамларни эвакуация қилишни бошқариш тизими чиқиш сигналига улаш.</p> <p>-шамоллатиш тизимида хоналарнинг максадига қараб ва мавжуд стандартларга мувофиқ мажбурий жалюзали созлагичли панжара ва ёнгин ўчириш клапанларини ўрнатиш;</p> <p>-табиий шамоллатиш тизимини деразалардаги шамоллатиш клапанлари орқали таъминлаб лойихалаш.</p> <p>Мактабгача таълим ташкилоти атрофи бўйлаб, овқатланиш бўлимида, гуруҳ хоналарида, сояли соябонли болалар гуруҳи ўйин майдончаларида видеокузатув усқуналарини ўрнатиб лойихалаш.</p> <p>Муассаса бинолари автоматик ёнгин хавфсизлиги сигнализациялари билан жиҳозланиши лозим.</p> <p><b>Мебель-жиҳозларни</b> – Рўйхат бўйича фойдаланувчи ташкилот тасдиқлаши шарт. Лойиха топшириғи, лойиха талаби, технологияларга асосан сметага киритилсин ;</p>
17	Атроф муҳитни муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар.	Объектнинг атроф муҳитга таъсирини лойихасини ўрганиш (ЗВОС).
18	Лойихаланаётган объект таркиби.	<p>Лойихаланаётган мактабгача таълим ташкилоти ҳудудида қуйидаги бино ва иншоотлар кўзда тутилсин:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- 2 қаватли асосий бино;</li> <li>- болалар гуруҳ ўйингоҳи ташки болалар айвончаси билан биргаликда;</li> <li>- 1 та жисмоний тарбия майдончаси;</li> <li>- 1 та чўмилиш хавзаси;</li> <li>- назорат пункти;</li> <li>- озик-овқат омбори кўзда тутилсин.</li> <li>- маиший хизмат кўрсатиш майдони (чайшабларни қуришти, гилам ва бошқа анжомларни тозалаш жойлари билан);</li> <li>- ўт ўчириш учун мўлжалланган насос (зарур бўлганда);</li> <li>- сув таъминоти учун насос зарур ҳолларда сув сақлаш идиши билан;</li> <li>-хоналарни вентиляция тизими билан таъминлаш;</li> <li>-Ёнгинга қарши захира сув ҳовузи хажми <ul style="list-style-type: none"> <li>– ҳисоб китоблар асосида танлансин;</li> <li>-Оқава сувлар тушадиган хандак хажми <ul style="list-style-type: none"> <li>– ҳисоб китоблар асосида танлансин;</li> </ul> </li> <li>- трансформатор подстанцияси;</li> <li>- чиқиндилар учун майдонча;</li> <li>- олд томонидан очиқ тўсиқлар (ажурное оградение);</li> <li>- уч томондан ёпик девор тўсиқлар;</li> <li>- Ташки хожатхона ШНҚ бўйича (очко);</li> </ul> </li> </ul>
19	Энергия самарадорлиги	<p>Мактабгача таълим ташкилоти иншоотларида энергияни самарали тежаш бўйича чора-тадбирларни кўзда тутиш.</p> <p>Иситишдан ташқари мавсумда қозонхоналарнинг ишлаши давомида энергияни тежаш максудида иссиқ сув таъминотида қуёш коллекторларидан фойдаланиш.</p>
20	Ногиронларнинг яшаш ва аҳолининг кам ҳаракатланадиган гуруҳларининг шароитларини таъминлашга қўйиладиган талаблар	Ногиронлар учун пандусни кўзда тутиб лойихалаш.
21	Ёнгин хавфсизлиги бўлимини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар.	Бўлимни амалдаги меъёр ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқиш, шунингдек ШНҚ “Бино ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлиги” дан фойдаланган ҳолда.
22	Лойиха ечимларини келишишга қўйиладиган талаб	<p>Ҳудуднинг эскиз схемасида аҳоли пунктнинг мавжуд ҳолати ва лойиха тақлифлари ақс эттирилади. Лойиха ташкилоти объектнинг технологиясини вилоят қурилиш бошқармаси, нуқсон далолатномаларини Боғот тумани санитария–эпидемиология осойишталик маркази ва Боғот тумани фавқулодда вазиятлар бўлимининг гигиеник ҳамда техник шарт берган ташкилотлар ва шу жумладан буюртмачи билан келишади.</p>
23	Намойиш материалларини тайёрлаш	Буюртмачига топшириш учун намойиш материалларини ишлаб чиқиш. Шу жумладан бинонинг бош режаси ва фасади шунингдек ички биноларни пардозлашни (хоналари, коридорлар, заллар, йўлаклар, ветюбель) замонавий дизайн элементларидан фойдаланган ҳолда безаш ишлари альбомини ишлаб чиқиш.
24	Лойиха-смета ҳужжатлари талаби	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-172-сонли қарори</p> <p>-Бир хил қувват ва ҳажмдаги объектлар учун ишлаб чиқиладиган лойиха-смета ҳужжатлари якуни бўйича аниқланадиган қийматлар ўртасида кескин тофовутлар юзага келишига йўл қўймаслик, лойиха-смета ҳужжатларида қурилиш ва жиҳозлаш ҳажмларини тўлиқ инobatга олмаган лойиха</p>

		ташкilotларига нисбатан қонунчилик доирасида тегишли чоралар кўрилиши, лойиҳа-смета ҳужжатларининг сифати ва асосланганлиги ҳамда меъморий ва техник ечимларнинг мақбуллиги юзасидан лойиҳа ташкilotларининг жавобгарлигини кучайтириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда объектнинг чекланган қиймати аниқ белгиланишини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилган. Лойиҳа-смета ҳужжатларида юқорида инobatга олинган хато-камчиликларга тофовутларга йўл қўйилса хато-камчиликлар лойиҳачи ташкilot маблағлари томонидан бартараф қилиниб, лойиҳачи ташкilotнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўғирланади. Қонунчилик доирасида тегишли чоралар кўрилиб, жавобгарлиги Сизнинг ташкilotингиз зиммасига юкланади ;
25	Лойиҳалаш ишларини бажаришга қўйиладиган талаблар	Лойиҳа ҳужжатлари бўлимлари, таркиби ва уларнинг мазмуни амалдаги меъерий-ҳуқуқий базага мувофиқ бўлиши керак ; -смета ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2021 йил IV-чорак каталоги бўйича тайёрланган, комиссия томонидан тасдиқланган ўртача нархларга асосан жорий нархларда амалга оширилсин. Қурувчи ишчиларнинг ўртача соатлик иш хақи – 17921,03 сўм (12% ижтимоий сугурта ажратмаларини ҳисобга олган ҳолда) дан олинсин. Пудратчининг харажатлари 15,51%, буюртмачи харажатлари қўшимча илова қилинади, таваккалчилик коэффициенти–0. Материал ресурсларига транспорт ва омборхона-тайёрлов харажатларини Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2011 йил 30 январдаги 352/11-05-сонли хатига асосан олинади. -Иш ҳужжатлари 1 нусxada экспертизага бериш учун Буюртмачига берилади.
26	Мухандислик изланишлари зарурлиги.	1:500 масштабдаги топографик хариталар ва мухандислик геологик изланишлар лойиҳа таркибида бажарилади.
27	Лойиҳалаш ишларини бажаришга қўйиладиган талаблар	Лойиҳа ҳужжатлари бўлимлари, таркиби ва уларнинг мазмуни амалдаги меъерий-ҳуқуқий базага мувофиқ бўлиши керак. Лойиҳа ташкilotи экспертиза давомида дизайн ечимларини химоя қилишни таъминлайди.
28	Буюртмачига тақдим этиладиган ҳужжатлар	Тайёрланган барча лойиҳалар буюртмачига (ЯБХИК), -Ишчи лойиҳа, 4 (тўрт) нусxada, -Локал ва ресурс сметалари коғозда 2 (икки) нусxada, -электрон версияси (диск) билан,

Хоразм вилояти ҳоқимлигининг  
“ЯБХ” ИК бош мухандиси



Б.Сапаев

Вилоят Мактабгача таълим  
бошқармасининг Қурилиш жиҳозлаш  
ва бинолардан фойдаланиш,  
мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи



Ў.Якубов

Хоразм вилояти ҳоқимлигининг  
“ЯБХ” ИК лойиҳа бўлими бошлиғи



М.Ходжаев

Хоразм вилояти ҳоқимлигининг  
“ЯБХ” ИК лойиҳа бўлими  
мутахассиси



Д.Абдирахмонов